

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУМАЕВ АКМАЛ АХМАТОВИЧ

ЎЗБЕК ВА НЕМИС ЭРТАКЛАРИДА ҚУШЛАР ОБРАЗИ
ТИПОЛОГИЯСИ ҲАМДА СПЕЦИФИКАСИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

УДК: [398.21:598.2(=512.133/=122.2)].07

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) degree in Philology

Жумаев Акмал Ахматович

Ўзбек ва немис эртақларида қушлар образи типологияси ҳамда
спецификаси..... 3

Жумаев Акмал Ахматович

Типология и специфика образа птиц в узбекских и немецких сказках 21

Jumaev Akmal Akhmatovich

Typology and specificity of the image of birds in Uzbek and German fairy
tales 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications..... 43

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУМАЕВ АКМАЛ АХМАТОВИЧ

ЎЗБЕК ВА НЕМИС ЭРТАКЛАРИДА ҚУШЛАР ОБРАЗИ
ТИПОЛОГИЯСИ ҲАМДА СПЕЦИФИКАСИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.1.PhD/Fil1139 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Бухоро давлат университети веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

- Илмий раҳбар:** Ўраева Дармон Саидахмедовна
филология фанлари доктори, профессор
- Расмий ошпоентлар:** Қаршибаева Улжап Давировна
филология фанлари доктори, профессор
Маҳмудов Алишер Юлдашович
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
- Етакчи ташкилот:** Урганч давлат университети

Диссертация химояси Бухоро давлат университети хузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «07» ноябрь соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (189 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87).

Диссертация автореферати 2022 йил «24» октябрь куни тарқатилди.
(2022 йил «24» октябрь даги 22-20 - рақамли реестр баённомаси).



М.Қ.Бақоева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, филол. ф. д., профессор

З.И. Расулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

М.М. Жўраева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон фольклоршунослигида қушлар образи генезисининг мифологик тафаккур билан боғлиқликда шаклланганини, эртақлар поэтик контекстида тутган ўрнини, функционал-семантик талқинларини асослашга ҳамиша алоҳида эътибор билан қараб келинган. Немис ва ўзбек оғзаки ҳамда ёзма адабиётида қушлар образи символикаси, метафоризацияси, улар қўлланган сюжет воқеликлари мазмун-моҳияти тадқиқи бўйича чиқарилган хулосалар у ҳақдаги миллий дунёқарашнинг ўзига хослигини исботлаш, миф поэтикасини ўрганишни янада такомиллаштиришга хизмат қилиши билан муҳим ҳисобланади. Бу билан фольклордаги анъанавий образлар тизими ва таркиби таснифини мукаммаллаштириш, парадигматик хусусиятларини аниқлаш, оғзаки ижоддан ёзма адабиётга кўчган образлар генезисини асослаш зарур вазифалардан ҳисобланади.

Дунё халқлари мифологиясида қуш култига ишонч асосида келиб чиққан образлар ўзига хос семантик типлари, поэтик вазифалари билан оғзаки ва ёзма асарларда алоҳида ўрин тутган. Улар, асосан, фольклорнинг эпик жанрларида қаҳрамонга ҳомий ё рақиб сифатида бадий талқин қилиниб, инсонни илоҳий олам билан боғловчи вазифада акс эттириши, бунинг натижасида башарият поэтик тафаккурининг миф-маросим-фольклор-адабиёт босқичида тараққий этганлиги, қушлар образининг бадий эволюциясини аниқлаш алоҳида эътиборни тортиб келган. Ўзбек ва немис адабиётида қушлар образининг бадий ижоддаги ўрни, жанрий табиати, генезиси, эстетик-тарбиявий моҳияти, композицион ва лингвопоэтик белгиларини очиш бадий тафаккур тарихий тараққиёт хусусиятларини, жаҳон халқлари фольклоридаги жанрлар типологияси ҳамда спецификасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда кенг ислоҳотлар олиб борилаётган ҳозирги бир жараёнда “...Илмий ва ижодий изланишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш вазифа”¹ қилиб белгиланганки, бу ҳар бир фан соҳаси қатори қиёсий фольклоршунослик ва адабиётшуносликда ҳам чуқур изланишлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади. Айниқса, хорижий тилларни ўқитишга, жаҳон ҳамжамияти билан бевосита мулоқот қила оладиган мутахассислар тайёрлашга, турли соҳаларга оид адабиётларни хорижий тиллардан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан хорижий тилларга бевосита аслиятдан таржима қиладиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга, таржима амалиётларини янада юқори босқичга кўтаришга бўлган эҳтиёж ва катта эътибор буни талаб қиладиган. Шу асосда немис эртақларининг ўзбекча таржималарини қиёсий ўрганиш, уларнинг сюжетидаги қушлар образининг парадигматик, лингвокультурологик,

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. – 56 б.

лингвопоэтик хусусиятларини ёритиш ҳам муҳимдир. Бу орқали немис-ўзбек адабий алоқалари ўз тарихига эга эканлиги яна бир бор далилини топадики, ушбу тадқиқот шу масалалар ечими борасида ҳозиргача амалга оширилган ишларни тўлдирди олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг: I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон қиёсий фольклоршунослиги таркибида қиёсий эртақшунослик ҳам кундан-кунга назарий тараққий топиб бормоқда. Хитой олими Нана Панг Немис ёзувчиси Ҳерман Ҳессе эртақларида когнитив метафоранинг маъно ва вазифаларини ўрганиш жараёнида ‘Merkwürdige Nachricht von einem anderen Stern’ эртагидаги қора рангли салобатли йирик қушни, ‘Der Schwere Weg’ эртагидаги қарға образини тангри элчиси образларида гавдалантирганини таъкидлайди.²

Рус фольклоршунослигида Н.П.Остроумов ўзбек (сарт) халқ эртақларини рус тилида чоп эттирган³. В.Я.Проппнинг эртақлар тадқиқига бағишланган тадқиқотида “жониворларга эврилиш ҳодисаси ичида қушга айланиш мотиви нисбатан қадимий”⁴ экани қайд этилган. О.М.Иванова-Казас эса мифология, фольклор ва санъатда қушлар” талқинига⁵ алоҳида эътибор қаратган. П.В.Табахьян рус ва немис фольклорининг стилистик хусусиятларини қиёсий ўрганган⁶.

² Nana Pang. Zur Funktion und Bedeutung kognitiver Methafern in Hermann Hesses Märchen. Universitätsverlag Göttingen. 2020.

³ Остроумов Н.П. Народные сказки сартов // Сарты. Этнографический материал. – Ташкент: II Вып., 1892.

⁴ Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. 2-ое издания. – Л.: Наука, 1986. – С.184-185.

⁵ Иванова-Казас О.М. Мифологическая зоология. – СПб., 2004. – 263 с.; Иванова-Казас О.М. Птицы в мифологии, фольклоре и искусстве. – С.-Петербург: «Нестор-История», 2006. – 172 с.

⁶ Табахьян П.В. Стилистические особенности перевода русского фольклора на немецкий язык. – Днепропетровск, 1973. – 83 с.; Табахьян П.В. Сопоставительная стилистика русского и немецкого фольклора. – Киев: Высшая школа, 1980. – 152 с.

Ўзбек фольклоршунослигида Й.Нурмуродов, З.О.Жуманиёзов, Х.Рўзимбоев тадқиқотларида ўзбек фольклори, хусусан, эртақ ва дostonларнинг хорижда немис тилида таржима қилиниши ва ўрганилиши масалаларига эътибор берилган бўлса⁷, М.Жўраева, Ҳ.Юсупова, О.Файзуллаевларнинг диссертацияларида⁸ ўзбек халқ эртақларининг немис, француз, инглиз тилларига таржимаси муаммоларига диққат қаратилган, лекин уларда эртақлар таркибида учрайдиган қушлар образи муаммоси махсус ўрганилмаган.

Х.Эгамов ўзбек эртақларини туркий халқлар эртақчилиқ аънаналари алоқалари тарихидан келиб чиқиб ўрганган⁹. К.Имомов ўзбек фольклорида Ҳумо қуши¹⁰, М.Жўраев “Анқо” образи талқини бўйича баъзи мулоҳазаларни билдиришган¹¹. А.Мусақулов, Ш.Турдимов ўзбек халқ лирик кўшиқларида, Д.Ўраева эса ўзбек мотам маросими кўшиқларида, М.Раҳмонова афсоналарда қушлар образининг қўлланиши, талқини хусусида тўхталганлар¹². З.Мамадалиева мумтоз адабиётда қушлар образи, Қақнус тимсоли талқинига, Ф.Исҳоқов эса Гулҳанийнинг “Зарбулмасал” асаридаги қуш номларига муносабат билдиришган.¹³

Ўзбек тилшунослигида орнитонимларнинг лисоний тадқиқи махсус амалга оширилган.¹⁴ Ш.Раҳматуллаев, Д.Бозоровалар томонидан айрим орнитонимларнинг этимологияси очиқ берилган.¹⁵ Ш.Носиров,

⁷ Нурмуродов Й. История изучения и проблемы научно-литературного перевода узбекского фольклора на немецкий язык: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т.: ИЯЛ АНРУз, 1983. – 192 с.; Жуманиёзов З.О. “Равшан” достони немисча таржимасида миллийликни қайта яратиш: Филол. фан. номз....дисс. автореф. – Т., 2008. – 25 б.; Рўзимбоев Х. Хоразм фольклорининг хорижда ўрганилиши тарихидан: Фил. фан. номз. дисс. – Т., 1996.

⁸ Нурмуродов Й. История изучения и проблемы научно-литературного перевода узбекского фольклора на немецкий язык: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т.: ИЯЛ АНРУз, 1983. – 192 с.; Жўраева М. Француз ва ўзбек эртақларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хуссиятлари: Филол. фан. док. ...дисс. автореф. – Т.: Академия ноширлик маркази, 2017. – 87 б.; Юсупова Ҳ.Ў. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртақлар, латифалар мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2011. – 149 б.; Файзуллоев О.М. Ўзбек фольклоридаги лингвокультуремаларнинг инглизча таржимада берилиши (болалар фольклори ва эртақлар мисолида). – Т., 2019.

⁹ Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари эртақчилиқ аънаналари алоқалари тарихидан очерклар⁹. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – 344 б.

¹⁰ Имомов К. Ўзбек фольклорида Ҳумо қуши // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2011. – 5-сон. – Б.21-24.

¹¹ Жўраев М. “Анқо” образи талқинига доир баъзи мулоҳазалар. – Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2001. – 2-сон. – Б.52-54.

¹² Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Т.: Фан, 2010; Турдимов Ш. Хабарчи рамзмлар // Халқ кўшиқларида рамз. – Т.: Фан, 2020. – Б.18-28; Ўраева Д. Мотам айтимларида қуш образи. – Педагогик маҳорат. – Бухоро. – 2004. – №2. – Б.48-51; Ўраева Д., Тўраева Л. Фитрат шеърларида қушлар образининг рамзийлаштирилиши // “Истиклол ва Фитрат” мавзусидаги аънаввий республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Бухоро, 2017 йил, 6-7 апрель. – Б. 13-16; Раҳмонова М. Ўзбек халқ афсоналарининг бадиияти. – Т.: Фан, 2009. – Б.63-66.

¹³ Мамадалиева З. Қақнус тимсоли талқинлари. – “Ёшлиқ” журнали. – 2010. – №6; «Шарқ юлдузи» журнали. – 2013. – №6; Исҳоқов Ф. “Зарбулмасал”даги қуш номларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1973. – №1. – Б. 43-50.

¹⁴ Йўлдошева Д.Б. Ўзбек тилида орнитонимларнинг лисоний тадқиқи: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2019. – Б.5.

¹⁵ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати I (туркий сўзлар). – Т.: Университет, 2000. – 600 б.; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати II (араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар). – Т.: Университет, 2003. – 600 б.; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати III (форсча, тожикча бирликлар ва улар билан ҳосилалар). – Т.: Университет, 2009. – 284 б.; Базарова Д.Х. История

Ҳ.Низомхонов, З.Холманова, Р.Нормуродов тадқиқотларида ҳам орнитонимларнинг лексик-семантик, грамматик хусусиятларига доир фикр-мулоҳазалар илгари сурилган.¹⁶

М.Мягер, С.В.Соколов, Э.Ф.Ишбердин, М.М.Гинатулин, К.Ибрагимов, Э.И.Сафина, Н.М.Курбонхонова¹⁷ тадқиқотларида ҳам қушлар тўғрисида қимматли мулоҳазалар келтирилган. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, немис ва ўзбек эртақларида қушлар образининг қуш култи билан боғлиқ қарашлар асосида келиб чиққани, уларга алоқадор эътиқодий қарашларнинг миф-маросим-фольклор-ёзма адабиётдаги талқини, мифологик қушлар образи ҳамда реал орнитопозитонимлар, қушлар образининг ранг, вақт ва маконга кўра семантик типлари, эпик қаҳрамонга ҳомийлик ёки рақиблик қилувчи қушлар образи ифодаси масалалари ҳали махсус ўрганилиб, типологик ва специфик хусусиятлари илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатдан қиёсий аспектда текширилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасидаги “Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни ўрганишни янада ривожлантиришнинг афзалликлари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади немис ва ўзбек эртақларида қушлар образининг генезиси, семантик типлари, поэтик вазифаларини қиёсий ҳамда специфик хусусиятларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

немис ва ўзбек халқи маданий ҳаётида қуш култи билан боғлиқ қарашлар ҳар иккала этник қатламнинг миллий дунёқараши, ўзига хос турмуш тарзи ҳамда шароитидан келиб чиқиб шаклланганини асослаш;

формирования и развитие зоологической терминологии узбекского языка (на материале названий птиц). – Т.: Фан, 1978. – 224 с.

¹⁶ Носиров Ш. Диалектал орнитологияга оид кузатишлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1986. – № 4. – Б. 56-60; Низомхонов Ҳ. Эски ўзбек тилида «булбул» маъносидаги сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1993. – № 3. – Б. 67-71; Холманова З. «Бобурнома» лексикаси. – Т.: Фан, 2007. – 176 б.; Нормуродов Р. Қуш номлари билан алоқадор перифразалар // Ўзбек тилшунослиги ХХІ асрда (илмий-назарий анжуман материаллари). – Қ: ҚаршиДУ нашри, 2008. – Б. 97-100; Нормуродов Р. Ўзбек тилида иккиламчи номинация. – Т.: Фан, 2010. – Б.109-118.

¹⁷ Мягер М. Эстонские названия птиц. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Таллин, 1963. – 28 с.; Соколов С.В. Этимология некоторых названий птиц в удмуртском языке // Вопросы финно-угорского языкознания. Выпуск 1У. – Ижевск, 1967. – С.189-197; Ишбердин Э.Ф. Названия домашних животных и птиц в башкирских говорах. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Уфа, 1969. – 29 с.; Ишбердин Э.Ф. Наименования птиц в башкирских говорах // Вопросы башкирского языкознания. – Уфа, 1973. – С.154; Курбонхонова Н.М. Мифы о животных и птицах в фольклоре населения Горного Бадахшана: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Душанбе, 2006; Гинатулин М.М. К исследованию мотивации лексических единиц (на материале наименований птиц). Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1973. – 27 с.; Ибрагимов К. Некоторые древнетюркские названия птиц и их параллели в современных тюркских языках // Советская тюркология. – Баку, 1974. – № 6. – С. 37-47; Сафина Э.И. Названия птиц в татарском языке и их лексикографирование. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Казань, 2005. – 24 с.; Курбонхонова Н.М. Мифы о животных и птицах в фольклоре населения Горного Бадахшана: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Душанбе, 2006.

немис ва ўзбек халқларининг қуш культига алоқадор мифологик қарашлари генезисидаги муштаракликларни аниқлаш;

қушлар образининг миф-маросим-фольклор-ёзма адабиёт кўринишидаги поэтик тадрижини далиллаш;

немис ва ўзбек эртакларида қуш образларининг символик вазифаларини белгилаб кўрсатиш;

қушлар образининг ранг, вақт ва маконга, эпик қаҳрамонга ҳомийлик ёки рақиблик қилишига кўра семантик типларини таснифлаш;

немис ва ўзбек тилларидаги қушлар номи (орнитоним)ларнинг бадиий матнда орнитопозитоним даражасига кўтарилиш тамойилларини очиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида таркибида қушлар образи қўлланилган немис ва ўзбек халқ эртакларининг бевосита ва билвосита таржима матнлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети немис ва ўзбек эртакларидаги қушлар образининг турлари, поэтик хусусиятлари, бадиий-эстетик вазифалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида таснифлаш, тарихий-қиёсий, тарихий-типологик, этнолингвистик, этнофольклористик, контекстуал таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

немис ва оғзаки ва ёзма адабиётидаги қуш култи билан боғлиқ қадимий қарашларнинг мазмун-моҳияти, тарихий-мифологик жиҳатдан келиб чиқиш асослари, қушларга алоқадор эътиқодий қарашларнинг миф-маросим-фольклор-ёзма адабиётдаги поэтик тадрижий талқини, образлантирилиш тамойиллари аниқланган;

оғзаки ва ёзма адабиётда қушлар образининг поэтик тамойиллари миф поэтикаси бадиий ифода воситалари, ижодкор услуби доирасидаги трансформацияси, бадиий-эстетик қонуниятлар, ёндашув тамойиллари, функционаллиги, қаҳрамон руҳиятини акс эттириш, асарнинг ғоясини ёритиб бериш каби композицион вазифаларни бажаришда намоён бўлиши исботланган;

қиёсланаётган тилларда орнитонимларни образлантириш бадиий-эстетик тажрибасининг анъанавийлиги, орнитонимик образлар генезисидаги айрим муштаракликлар, уларнинг бадиий матнда орнитопозитоним бўлиб келиши, семантик типлари, турли рамзий-тимсолий маъноларида ассоциативлик касб этиши, гендерлик асосида берилиши, ҳар бир халқнинг тарихи ва маданияти билан боғлиқлиги мисоллар асосида далилланган;

қушлар образининг немис ва ўзбек эртакларида поэтик жиҳатдан ғаройиблик, ранг, вақт, маконга мувофиқ эпик қаҳрамонга ҳомий, ғайриоддий қобилиятларга эгалик каби ижобий; сеҳр-жодули, шавқатсиз, ёвуз ниятли, кўрқитувчи ва офат ёғдирувчи рақиб каби салбий хусусиятларининг муштараклик касб этиши таснифланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

немис ва ўзбек халқ эртақчилигида қушлар образидан фойдаланишнинг поэтик тараққиёт хусусиятлари миф-маросим-фольклор-санъат-ёзма адабиёт босқичларида очиб берилган;

немис ва ўзбек эртақларида мифологик ва табиий қушларнинг образлантирилиш хусусиятлари, орнитопозетонимлар талқини, қушлар образининг рангига, вақт ва маконга қараб парвоз қилишига, эпик қаҳрамонга ҳомий ёки рақиб бўлиб келишига қараб бадиий-эстетик, рамзий-тимсолий вазифаларда келиши далилланган;

эртақлардаги орнитопозетонимларни аниқлаш, генезисини очиш, талқин хусусиятларини парадигматик, когнитив, лингвокультурологик жиҳатдан илғор тадқиқ усуллари воситасида ёритиш қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик, таржимашунослик, фольклоршунослик, адабиёт назарияси фанлари учун учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, уларга доир дарслик ва ўқув қўлланмаларни мукамаллаштиришга хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган илмий-методологик ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг илмий ва бадиий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий, компонент таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганли билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг **илмий аҳамияти** унда чиқарилган назарий хулосалар эртақ поэтикаси, унинг образлар таркиби ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириши, немис ҳамда ўзбек эртақларидаги умумий ва хусусий жиҳатлар аниқлангани билан белгиланади.

Диссертация натижаларининг **амалий аҳамияти** ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан олий, ўрта махсус таълим тизимида, умумтаълим мактабларида ёшларга фольклор асарлари, хусусан, унинг қадимий ва анъанавий жанри – эртақлардаги қушлар образининг генезиси, таснифи, бадиий вазифаларини немис ва ўзбек адабиётини қиёсий ўргатётганда, уларга оид дарслик, ўқув қўлланма, адабий терминлар луғатини яратишда фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Немис ва ўзбек эртақларида қушлар образининг типологик ҳамда специфик талқинини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

оғзаки ва ёзма адабиётда қушлар образининг поэтик тамойиллари миф поэтикаси бадиий ифода воситалари, ижодкор услуби доирасидаги трансформацияси, бадиий-эстетик қонуниятлар, ёндашув тамойиллари, функционаллиги, қаҳрамон руҳиятини акс эттириш, асарнинг ғоясини ёритиб бериш каби композицион вазифаларни бажаришда намоён бўлиши билан боғлиқ хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-005 рақамли “Қорақалпоқ

фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимнинг 2021 йил 4 ноябрдаги 17.01/279-сон маълумотномаси). Натижада ушбу диссертацияда қушлар образининг оғзаки ва ёзма адабиётда ҳомий руҳлар ҳақидаги қадимги мифологик тасаввур-тушунчалар, эътиқодий қарашлар, маросим, урф-одатлар билан боғлиқликда талқин қилиниши, халқ эртақларида қушлар образининг асосий типлари, поэтик вазифалари, ҳаёт воқеликлари билан боғлаб тасвирланиши, халқона бадиий талқинлари, рамзий маънолари кўлами, тимсолий белгилари, қадимий тотемистик қарашлар, қуш культига ишончнинг эртақлардаги ифодаси тарихий-мифологик аспектда ёритилиши асосида олинган илмий хулосалар фольклорнинг ёзма адабиётга таъсирини очишга хизмат қилган;

қиёсланаётган тилларда орнитонимларни образлантириш бадиий-эстетик тажрибасининг анъанавийлиги, орнитонимик образлар генезисидagi айрим муштаракликлар, уларнинг бадиий матнда орнитопэтоним бўлиб келиши, семантик типлари, турли рамзий-тимсолий маъноларида ассоциативлик касб этиши, гендерлик асосида берилиши, ҳар бир халқнинг тарихи ва маданияти билан боғлиқлиги борасидаги назарий маълумотлардан Бухоро давлат университетида 2018-2019-йилларда бажарилган АҚШнинг SUZ800-18-IN0049 рақамли “Китобхонлар клуби” (“Readers Club at the Department of the English Literature”) мавзусидаги хорижий лойиҳани бажаришда фойдаланилган. (Бухоро давлат университетининг 2021 йил 5 ноябрдаги 05-01-1377-сон маълумотномаси). Натижада китобхонлар клуби фаолияти давомида диссертацияда келтирилган немис ва ўзбек эртақларида қушлар образининг типологик ҳамда специфик хусусиятларини қиёсий ўрганиш орқали уларнинг муштарак ва фарқли жиҳатлари, ранг-баранг культ ва қиёфаларда берилишидаги ўзига хос хусусиятларини очиб беришга эришилган;

диссертацияда илгари сурилган қушлар образининг немис ва ўзбек эртақларида поэтик жиҳатдан ғаройиблик, ранг, вақт, маконга мувофиқ эпик қаҳрамонга ҳомий, ғайриоддий қобилиятларга эгалик каби ижобий; сеҳр-жодули, шавқатсиз, ёвуз ниятли, кўрқитувчи ва офат ёғдирувчи рақиб каби салбий хусусиятларининг муштараклик касб этиши ҳақидаги илмий хулосалардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Бухоро”, “Саккизинчи мўъжиза”, “Адабий муҳит”, “Жаҳон тамаддуни дурдоналари”, “Асрларнинг асраганлари” теледастурларида эфирга узатилган кўрсатувлар, шунингдек, “Мулоқот ва мунозара”, “Қадриятлар қадим бешиги” радиоэшиттиришлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган. (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 5 ноябрдаги 1/292-сон маълумотномаси). Натижада бу кўрсатувларни тайёрлашда қушлар образи иштирок этган халқ оғзаки ижоди намуналари, хусусан, турли тизимли тиллардаги эртақларда уларнинг бадиий талқини билан боғлиқ қизиқарли таҳлилий материаллар телетомошабинлар эътиборига ҳавола қилинган.

Бунинг натижасида эса ушбу телекўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукамаллаштирилиб, илмий далилларга бой бўлишига, кўрсатувнинг илмий-оммабоплик хусусияти оширилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 5 та республика, 1 та хорижий илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, улардан 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 144 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати, ўрганилганлик даражаси асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий, амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Немис ва ўзбек халқларининг қуш культуга алоқадор қарашлари генезисдаги муштаракликлар”** деб аталган. Унинг *“Дунё халқларининг қуш культуга алоқадор қарашлари тизими ва генезиси”* номли илк фасли жаҳондаги барча халқлар орасида қуш культуга алоқадор қарашлар тизими шаклланишини, уларнинг келиб чиқиш илдизлари яқинлигини асослашга қаратилган.

Жаҳон фольклорида *қушлар қанотли бўлгани учун осмон илоҳлари билан ҳам боғланади*. Шунингдек, қушлар олов ва сув, руҳ тушунчалари билан боғлаб талқин этилиши анъанага айланган. Жумладан, зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да ҳам қушлар (масалан, Хварна фар) олов билан боғлаб талқин этилгани кузатилади¹⁸.

Қадимги мифларда *қуш қуёш оловини олиб келиб, инсонларга яхшилик қилган жонзот сифатида улуғланади*. Саена – Семурғ, Хумо шундай қушлар образи ҳисобланади. Хварна Фар олов маъбудиди, омад ва толе тимсоли бўлиб, у кимнинг бошига қўнса ёки соя солса, унга бахт ва иқбол ато этади, деб қаралган.¹⁹ Туркий халқларда бургут, қалдирғоч шундай талқин қилинади.²⁰

¹⁸ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Аскар Маҳкам таржимаси.. – «Шарқ», 2001. – Т.: 384 б + 16 б. зарв.

¹⁹ Имомов К. Ўзбек фольклорида Хумо қуши // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2011. – 5-сон. – Б.21-24.

²⁰ Токарев С.А. Огонь / Мифы народов мира. Том 2. – М., 1997. – С. 158-160.

Рус мифологиясидаги Оловкуш (Жарптица) образи ҳам шундан дарак беради.²¹

Кушларнинг сув билан боғлаб талқин этилганини Бухородаги Варахша харобаларидан топилган қанотли, қўшоёқ, ярми куш, ярми аёл сурати ҳам тасдиқлай олади. Бу суратда Семурғ ва сув маъбудаси Анахита тимсолининг уйғунлаштирилгани англашилади.²²

Бобнинг иккинчи фасли “Куш-руҳ” билан боғлиқ эътиқодий қарашларнинг немис ва ўзбек эртакларидаги ўхшаш талқини” деб номланган. Маълумки, кўпгина эртакларда ота хотини вафотидан сўнг болаларимга қарар деган мақсадда бирор аёлга уйланади, аммо ўгай она етим болаларга жуда қаттиқ зулм ўтказади. Немис адабиётида ака-ука Гриммларнинг “*Rapunzel*” (“Рапунцел”), “*Aschenputtel*” (“Шумшук қиз, Кулойим”) каби эртаклари ўгайлик мотиви асосида қурилган. “*Aschenputtel*” (“Шумшук қиз”) эртагини 1991 йилда Хуррам Раҳимов ўзбек тилига ўгирган. Эртакда қизнинг онаси вафотидан кейин куш қиёфасига эврилиб, ҳар доим қизи аҳволидан огоҳ бўлиб туради, уни қийин вазиятларда қўллаб-қувватлайди. Ўлган инсоннинг руҳи куш қиёфасида қайта тирилиши мотиви эса эртаклардаги анъанавий поэтик мотивлардан биридир.

Баъзи халқлар орасида руҳ айнан маълум бир кушларгагина кўчади деган ишонч мавжуд. Жумладан, славян ва болқон халқлари марҳум руҳи ўлимдан сўнг фақат каккуга, австралияликлар қарғага ёки қузғунга, океанияликлар эса каркидонга кўчади деб қараганлар.²³

Эртакларда она руҳининг куш қиёфасида қайта тирилиши тасвирида кушларни бевосита Аждодлар култи тушунчаси билан боғлаш анъанаси намоён бўлади. Шунга кўра, кўриб чиқиладиган эртаклар сюжетида руҳи кушга эврилиш орқали бу дунёга қайтган она руҳи болаларига, оиласига ҳомийлик қилиши, мадаккор бўлиши тасвирланган. Эртакларда руҳ-кушларнинг кўпинча ҳомий, ёрдамчи, хабар етказувчи, йўл кўрсатувчи, бахт келтирувчи, давлат ҳадя этувчи, оғир юмушни бажаришда кўмак берувчи эпик вазифалари анъанавийлаштирилган.

Кўпгина эртакларда кушлар билан шеърини сўзлашиш мотиви учрайди. Юқоридаги эртакда ҳам шундай ҳолат кузатилади.²⁴ Эртакларда кушлар суҳбати ёки сўзлари шеър тарзида келтирилиши ҳам ўзбек, ҳам бошқа халқ эртакларида кузатилади. Жумладан, ака-ука Гриммларнинг “*Aschenputtel*” (ўзбек тилида “Шумшук қиз” номи билан таржима қилинган) эртагида кабутарларнинг, “Қарғанинг қаллиғи” номли немис халқ эртагида қарғанинг

²¹ Токарев С.А. Огонь / Мифы народов мира. Том 2. – М., 1997. – С. 346-348.

²² Имомов К. Ўзбек фольклорида Хумо куши // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2011. – 5-сон. – Б.25.

²³ Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – С.190.

²⁴ Рахимов Хуррам (тўпловчи). Етти оқкуш (Олмон халқ эртаклари). – Тошкент: “Чўлпон” нашриёти, 1991. – Б. 264.

гаплари шеърий тарзда баён қилиниши кўринса,²⁵ қуш тилидан келтирилган қўшиқ “Опа-сингиллар”²⁶ номли ўзбек эртагида ҳам учрайди.

Бобнинг учинчи фасли “*Қушлар образининг фольклордан ёзма адабиётга кўчиши*” деб аталган. Қуш култига ишонч туфайли қадимда айрим диний-магик маросимларни ташкил қилишда у ёки бу қушдан фойдаланилган. Қушлар само билан алоқа ўрнатиш учун воситачи бўлади, деб қаралган. Дунёнинг яратилиши тўғрисидаги миф ва афсоналарда қуш култига алоҳида эътибор қаратилган. Шундай қушлардан бири бошқа қушлардан озроқ бўлса-да гапира билиш қобилияти ҳамда патларининг анча ёрқин рангларда эканлиги билан ажралиб турувчи тўтидир.

Немис ёзувчиси Оскар Дехнхардтнинг 1925 йилда чоп этилган “*Naturgeschichtliche Märchen*” китобидаги халқ тилидан олиб ёзилган “*Der Paragei*” эртагида тўтиқуш патларининг рандорлиги, бошқа қушлар тумшуғидан ўзгача эканлиги билан ажралиб туриши ҳамда тўтиқушнинг характеридаги айрим чизгилар баён этилган.²⁷ Унда нега тўти патларининг ёрқин рангларда эканлиги, тўтиқуш ўз ақл-заковати, сабр-тоқатлилиги билан тангри назарига тушганлиги ва муносиб тақдирланганлиги баён қилинган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Немис ва ўзбек эртакларида қушлар образининг анъанавий типлари**” деб номланган бўлиб, икки фаслдан таркиб топган. Унинг илк фасли “*Немис ва ўзбек эртакларида мифологик қушлар образи*” деб аталган. Тилшуносликда қуш кўринишидаги мифологик жонзотлар “мифоорнитонимлар” деб юритилади. Бунга Семурғ, Хумо, Анқо, Булбулигўё, Самандар (Қақнус) қабилар мисол бўла олади. Мифологик қушлар тўқима образ бўлиб, кўпинча эпик қаҳрамонларга етиб бўлмас ва хаёлан тасаввур қилинган манзилга боришда, бажарилиши имконсиз бўлган, аслида содир бўлиши орзу қилинган ишни бажаришда ёрдамчи, ҳомий образларида гавдалантирилади. Улар инсон қиёфасига эврилиши ва инсон тилида гапира олиши билан ғаройиблик касб этади.

Ўзбек фольклоршуносларининг фикрича, Анқо аслида араб фольклорига алоқадор мифологик қуш образларидан бири бўлиб, кейинчалик ўзбек фольклорига ҳам ўтган.²⁸ У ўзбек фольклорида: а) барча қушларнинг афсонавий аجدодбошиси ёки онаси; б) Кўҳи Қофда яшайдиган афсонавий қуш, барча қушларнинг подшоси каби эпик вазифаларда талқин этилади.

Кўпинча абадий ҳаёт, адолат ва бахт, давлат тимсолларини ифодалашга хизмат қилувчи, эртак ва дostonларда эпик қаҳрамонни ўзга оламга олиб бориб, олиб келувчи вазифасида талқин қилинадиган Семурғ образи дунё халқлари, хусусан, эрон-сўғд халқлари фольклоридаги муштарак мифологик образлардан яна биридир. Семурғ образи ўзбек фольклорида қуйидаги эпик вазифаларда талқин топгани кўрилади: 1. “Ҳаёт дарахти”нинг ҳимоячиси. 2. Узоқ масофаларни кўз очиб-юмгунча босиб ўтишга кўмакдош. 3. Ер ости

²⁵ Kinder-und Hausmärchen der Brüder Grimm. Band I. – Berlin “Der Kinderbuchverlag”, 1961. – P.57.

²⁶ Ўзбек халқ ижоди. Олтин бешик. Эртаклар. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – Б.67.

²⁷ Dähnhardt, Oskar: Naturgeschichtliche Märchen. 7. Aufl. Leipzig/Berlin, 1925. – P.71.

²⁸ Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Т.: Фан, 2001. – Б.136.

мамлакатидан ер юзига чиқариб қўювчи қудратли қуш. 4. Доно маслаҳатгўй. 5. Фаройиб хусусиятли сеҳрли нарсаларни қўлга киритишда яқин ёрдамчи. 6. Икки олам – ер усти ва ер ости олами ўртасида воситачи. 7. Тупиги билан даволовчи қуш. 8. Тақдирни олдиндан башорат қилувчи. 9. Бахт ва давлат инъом этувчи. Яна ўзбек фольклори намуналарида Семурғ қуйидаги характер-хусусиятларда тасвирланади: 1. Болажон қуш. 2. Инсон каби билагон, сезгир, доно қуш. 3. Инсонлардек раҳмдил, меҳр-муруватли, оқибатли ва диёнатли қуш. 4. Мурувватли, саховатли, нажоткор қуш. 5. Гўштхўр қуш. 6. Жуда баланпарвоз қуш. 7. Инсон қиёфасига эврилувчан қуш. 8. Подшо, ҳукмдор. 9. Бир пати ярим подшоликка тенг олтин қанотли ноёб қуш. 10. Қўрқмас, мўъжизакор қобилиятга эга сеҳрли қуш. Семурғнинг бу каби бадий вазифалари ва хусусиятлари “Кенжа ботир”, “Семурғ”, “Рустам”, “Хипча мерган”, “Қаҳрамон”, “Туликаҳқаҳ”, “Зорлиқ билан Мунглик” номли бир қатор ўзбек халқ эртаклари сюжетида ёрқин кузатилади. Бу эртакларда Семурғ образи тимсолий маъно касб этиб, етакчи персонажлардан бири сифатида фаолият кўрсатган.

Айрим эртакларда Семурғ номи баъзан Анқо, Мурғуфармон, Ҳумо, Булбулигўё, Давлат қуши, Бахт қуши каби афсонавий қушларга ўхшашликда тасвирлангани кузатилади. Лекин аслида Семурғ образи ўз кўринишига, бадий вазифасига кўра бу қушлардан фарқ қилади.

К.Имомов тилсимли эртаклар ўзига хос поэтик қурилиши билан бошқа тип эртаклардан ажралиб туришини алоҳида қайд қилар экан: “Семурғ қушлар зулм ва зўрликни енгишда ҳал қилувчи вазифани ўтайди”,²⁹ – деб ёзади.

Халқ оғзаки ижоди бадий аънаналарининг бевосита таъсирида ўзбек мумтоз адабиётида Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарида, Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” достонида Муҳаммад Ғаззолий каби Семурғ тимсолидан қушлар подшоси ва рамзий маънода Оллоҳнинг тасаввуфий образини акс эттириш учун фойдаланилган.

Ҳумо ҳам ўзбек фольклорида кўп қўлланадиган мифологик қуш турларидан биридир. У кўпинча давлат қуши, бахт қуши, жаннат қуши тимсолларида талқин қилинади. “Қурандоз” эртагида Ҳумо қуши ва унинг хосиятлари ҳақида фикр юритилган.³⁰

Ўзбек халқ эртакларида учрайдиган яна бир мифологик қуш образи Булбулигўёдир. Унинг номи аталган алоҳида эртақ ҳам бор.³¹ “Олмос ботир” эртагида кўзи хиралашган подшоҳнинг кўзига Булбулигўёнинг сайраши шифо бўлиши айтилади.

Иккинчи бобнинг “Қушлар образининг вақт ва макон, рангга кўра семантик типлари” номли иккинчи фаслида дастлаб бойўғли (бойқуш), укки каби тунги қушлар эртакларда турли характердаги образларда

²⁹ Имомов К. Ўзбек халқ эртаклари // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Т.: Фан, 1981. – Б.82.

³⁰ Қурандоз. – Б.292.

³¹ Donishmand cho'pon: O'zbek xalq ertaklari. – Т.: “O'zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2019. – Б.50.

гавдалантирилиши ёритилган. Худди мифологик қушлар каби тунги қушлар образи ҳам эртақларга эпик руҳ бағишлашга хизмат қилади.

Бойўғли образи жуда кўп халқларнинг эртақ ва афсоналарида қўлланади. Турли халқлар маданий қарашларида бу қушга бўлган муносабат ҳам биридан фарқ қилади. Айрим халқларда бойқуш севиб эъзозланса, бошқа бир халқлар ундан жирканади ёки кўрқади. Шунга кўра, бойқуш образи дунё халқлари эртақларида турлича талқинда учрайди. Бу жиҳатдан диссертациямизда Қадимги Мексика, Хитой, Миср, Юнонистон, Германия, Австралия, Америкада бойқушга муносабат ўрганилди.³² Масалан, юнонларнинг бойқушга бўлган муносабатини немисча луғатларда келтирилган “Man braucht nicht Eulen nach Athen zu tragen” матали мисолида ҳам кўриш мумкин.

Немис ёзувчиси Клара Мариа Шлезьернинг “Der Weise Uhu” эртаги номланишиданоқ олмон халқи уккини донишманд қуш деб билганини англатади. Вилхелм Хауфнинг “Die Geschichte von Kalif Storch” эртагида ҳинд шоҳининг яккаю ягона гўзал қизи ёвуз сеҳргар Кашнур томонидан сеҳрлаб бойқушга айлантирилади.³³ Ўзбек халқининг “Подшо, вазир ва бойўғли”³⁴ эртагида ҳам золим ва адолатсиз вазирнинг ўзаро куда тутинмоқчи бўлган икки бойўғли суҳбатини тинглаб, нафақат уларга, балки бутун халққа озор етказиши акс эттирилган.

Хулоса қилиб айтганда, тунги ҳамда турли рангдаги қушларга бўлган муносабат турли халқларда уларнинг эътиқоди ва дунёқараши, табиатдаги географик жойлашув ўрнига қараб турлича бўлса-да, кўпинча бир-бирига ўхшаш ва яқин жиҳатлар билан талқин қилиниши кўзга ташланади.

Диссертациянинг учинчи боби “**Қушлар образининг рамзий-тимсолий ифода хусусиятлари ва бадий вазифалари**” деб номланган. Бобнинг биринчи фасли “**Эпик қаҳрамонга ҳомийлик ва рақиблик қилувчи қушлар образи**” деб аталган. Бунда дастлаб бургут образининг миф, афсоналар орқали эртақлар сюжетида кўчиши ўрганилган. Бургут – йиртқич қуш. Уни лочин ҳам дейишади. У йиртқич қуш бўлса-да, халқ эртақ ва афсоналарида, достонларда кўпроқ мардлик, жасурлик ва улуғворлик тимсолларида эпик қаҳрамонга ҳомий ҳамроҳ кўринишида гавдалантирилади. Лекин баъзида кўркувга солувчи мифологик йиртқич қуш Грифон қиёфасида ҳам талқин қилинади. Ёҳан Карл Аугуст Музеуснинг “Немис халқ эртақлари” номли тўпламидан ўрин олган “Die Bücher der Chronika der drei Schwestern” (“Уч опа-сингил кечинмалари”) номли эртақда сеҳрланиб бургутга айланиб қолган шаҳзода образи келтирилган.

“Schneeweißchen und Rosenrot”³⁵, яъни “Оппоқой ва Гулойим” эртагида бургут ёруғлик тимсоли сифатида ёвузлик ва зулматга қарши курашувчи, осмон қироли кўринишида образлантирилган.

³² Словарь античности. Пер. с нем. – М.: Прогресс, 1989. – С.534.

³³ O'zbek xalq ertaklari/nemischa-inglizcha tarjima/ – T.: Cho'lpon nomidagi NMIU, 2014. – B.213.

³⁴ <https://ziyouz.uz/ozbek-xalq-ogzaki-ijodi/ozbek-xalq-ertaklari/podsho-vazir-va-boju-li/>

³⁵ Kinder-und Hausmärchen der Brüder Grimm. Band II. – Berlin “Der Kinderbuchverlag”, 1961. – B.102-109.

Ўзбек халқининг “Бургутлар”³⁶ номли эртагида ҳам оддий бургут эмас, бургутлар подшоҳи ҳақида сўз юритилган.

